



Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!

«ЎЗБЕКISTON ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ

Мустақиллик йилларида Хоразм вилоятида амалга оширилган бунёдкорлик ишларини чин маънодаги мўъжиза дейиш мумкин. Биргина Урганчнинг бугунги кифаси яқин ўтмишдаги кўриниши билан таққосланадиган бўлса, бунга қатъий ишонч ҳосил қилинади. Совет замонида Хоразмда ҳам каттароқ бир бино қуриш учун собиқ марказдан рухсат олиш, лойиҳани тасдиқлаб, маблағ ажратилиши учун йиллаб югурилган. Мустақилликнинг ўтган 25 йилида эса Урганч шаҳри бутунлай қайта қурилди...



Қаранг, фикрланг, бугунги Урганч шаҳри билан кечаги Урганч ўртасида ер билан осмонча фарқ бор.

ХОРАЗМ: БУГУН ВА КЕЧА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 6 декабрдаги «Урганч шаҳрини қайта қуриш тўғрисида»ги қарори асосида вилоят маркази таниб бўлмас даражада ўзгарди. Шовот каналнинг 14,6 км узунликдаги қирғоғи бетонланди. Канал устидан ўтувчи Ал-Хоразмий кўчасидаги кўприк реконструкция

қилинди. 69 гектар майдон кўкаламзорлаштирилди. Шовот маданият ва истироҳат боғи ҳудудида «Авесто» мемориал мажмуаси, «Байларка» спорт мажмуаси, «Ош маркази», мини-футбол, болалар майдонлари, чойхоналар, автомобиль тўхташ жойлари, уй-жой бинолари барпо этилди.



4

БОШЛАНҒИЧ ТАШКИЛОТ — АСОСИЙ ТАЯНЧ

Партиянинг жамиятдаги мавқеи, таъсир кучи, аввало, унинг одамлар билан ҳамнафас, ҳамфикр бўлишига боғлиқ. Сийсий партия илгари сураётган гоялардан жамоатчилик кенг хабардор бўлиши, аynи пайтда қўллаб-қувватлаши керак. Албатта, бу ўз-ўзидан бўладиган жараён эмас. Сийсий партия бу масалада бирин-

чи навбатда бошланғич ташкилотларига суянади. Улар орқали электоратга яқин бўлади, аҳоли орасига, жамиятга чуқур кириб боради. Шу бoи Ўзбекистон Халқ демократик партияси бошланғич ташкилотлар фаолиятини замон талаблари даражасида кучайтиришга алоҳида эътибор қаратмоқда.

Гояларимиз қўллаб-қувватланмоқда

— Туманимизда бошланғич партия ташкилотлари сони 70 дан ошди, — дейди **Зангиота қишлоқ фуқаролар йиғинидаги ЎзХДП ҳудудий бошланғич ташкилоти етакчиси Сайёра Раҳматуллаева**. — Утган

йили бизнинг бошланғич ташкилотимизда 21 нафар аъзо бор эди. Бу йил уларнинг сони 49 нафарга етди. Тарғибот ишларини изчил йўлга қўйиб олсак, ушбу рақам янада ортади. Шунинг ҳам айтиш керакки, фаоллари-

миз — Замира Жўраева, Ҳафиза Ҳошимова ҳамда тарғиботчилар гуруҳи раҳбари Зулфия Зокирова бошчилигида турли мавзуларда давра суҳбатлари мунтазам равишда ташкил этилмоқда. Шунингдек, аъзолар фаоллигини ошириш, сийсий-ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга қаратилган ўқувлар ўтказилмоқда. Уларда кўпроқ интерактив усуллардан фойдаланишга ҳаракат қилинмоқда.

Бошланғич ташкилот ҳудудида вилоят ва туман партия кенгашлари томонидан кўчма Жамоатчилик қабулхоналари ташкил этиляпти. Партия аъзолари, электорат вакиллари мурожаатлари ҳамкорлар ва депутатлар ёрдамида ечим топмоқда.

Зилола УБАЙДУЛЛАЕВА

ЎзХДП ҲАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ТАШАББУСИ АСОСИДА

Ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ масала туман Кенгаши сессиясида кўриб чиқилди

Иш билан бандлик, даромадга эга бўлиш, сифатли тиббий хизматдан фойдаланиш, шу билан бирга, пенсия ва ижтимоий нафақалар билан таъминланиш... Буларнинг барчаси одамлар яхши яшаши, ҳаётдан рози бўлиши, турмуш ободлиги учун ниҳоятда зарур, албатта.

► Давоми 2-бетда.

Жорий йил бошидан буён

462,5 минг янги иш ўрни ташкил этилди. Уларнинг **276,7** мингтаси ёки **59,8** фоизи қишлоқ жойларидадир.



ЎзА олган сурат.



Фотурх АЛИЕВ олган сурат.

■ ВАТАНИМИЗ
МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
25 ЙИЛЛИГИ
ОЛДИДАН

ДИЛКАШ СУҲБАТЛАР

Самарқанд вилояти шаҳар ва қишлоқларида Ватанимиз мустақиллигининг йигирма беш йиллиги муносабати билан «Гўзал ва бетакроримсан, муқаддас Ватаним, жоним сенга фидо, Ўзбекистоним!» шиори остида маданий-маърифий тадбирлар ўтказилмоқда.

Президентимизнинг шу йил 2 июндаги «Ўзбекистон Республикаси давлат мустақиллигининг йигирма беш йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида»ги қарори ижроси доирасида ташкил этилаётган ушбу учрашувларда таниқли адиблар, рассомлар, олимлар, маданият ва санъат намойندалари иштирок этмоқда.

Самарқанд шаҳридаги Кўксарой майдонида ўтказилган шундай талбирда Ўзбекистон халқ шоири Хуршид Даврон, Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси раиси ўринбосари Ўктам Мирзаёров ва бошқалар Президентимиз раҳнамолигида барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар юксак самаралар бераётганини таъкидлади. Давлатимизнинг йилдан-йилга халқаро майдонда обрў-эътибори ошиб, шаҳар ва қишлоқларимиз тобора обод бўлаётгани, халқимиз турмуш фаровонлиги юксалиб бораётгани Ватанимиз мустақиллиги билан боғлиқ, бинобарин, жаҳон ҳамжамияти томонидан кенг эътироф этилган тараққиётнинг «Ўзбек модели» самараси экани қайд этилди.

— Бугунги дунёдаги мураккаб сийсий-иқтисодий вазият кўплаб давлатлар иқтисодиётига салбий таъсир кўрсатмоқда, — дейди Тошкент давлат молия институти профессори Азамат Мухторов. — Ривожланган давлатларда ҳам ялпи ички маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми пасайиши кузатилаётган бир пайтда Президентимиз раҳнамолигида амалга оширилаётган изчил ислохотлар туфайли мамлакатимизда кейинги ўн бир йил давомида ялпи ички маҳсулотнинг ўсиш суръати 8 фоиздан юқори бўлиб келмоқда.

Талбирда истиқлол йилларида маънавият, адабиётга алоҳида эътибор қаратилаётгани, ижод аҳли ҳар томонлама қўллаб-қувватланаётгани алоҳида таъкидланди.

Самарқанд шаҳридаги «Китоб олами» мажмуасида ўтган адабий-бадиий учрашувда китоб ва китобхонлик, истиқлол берган имкониятлар, навқирон авлод камолотига қаратилаётган алоҳида эътибор, истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш борасида амалга оширилаётган ишлар ва уларнинг самаралари ҳақида сўз юритилди.

Талбирда Самарқанд вилояти ҳокими З.Мирзаев сўзга чиқди.

Ғ.ҲАСАНОВ,
ЎзА мухбири.

ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ЗАРБДОР ТУМАН КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТАЪЛИМ ТИЗИМИНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ, МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗАСИНИ ЯХШИЛАШ, ХОДИМЛАР МЕҲНАТИГА ҲАҚ ТўЛАШ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАСИНИ СЕССИЯГА КИРИТДИ.

ИЧКИ ЙўЛЛАРНИ ТАЪМИРЛАШ, АҲОЛИНИ ИССИҚЛИК ЭНЕРГИЯСИ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ, ШУНИНГДЕК, БОШҚА КОММУНАЛ МАСАЛАЛАР КўҚОН ШАҲАР КЕНГАШИДАГИ ЎзХДП ГУРУҲИ ТАШАББУСИ БИЛАН ТЕГИШЛИ ДОИМИЙ КОМИССИЯ ЙИГИЛИШИДА МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ.

ЖОРИЙ ЙИЛНИНГ 6 ОЙИДА ЎзХДП ВИЛОЯТ, ТУМАН, ШАҲАР КЕНГАШЛАРИ ҚОШИДАГИ ЖАМОАТЧИЛИК ҚАБУЛХОНАЛАРИГА ИШ БИЛАН ТАЪМИНЛАШ МАСАЛАСИДА 1100 ГА ЯҚИН МУРОЖААТ ТУШДИ. УЛАРНИНГ 80 ФОИЗДАН КўПИ ИЖОБИЙ ҲАЛ ЭТИЛДИ, ҚОЛГАНЛАРИГА ҲУҚУҚИЙ МАСЛАҲАТЛАР БЕРИЛДИ.

ЎзХДП ХАРАКАТ ДАСТУРИ ИЖРОСИ

■ Маҳаллий кенгашлардаги партиямиз гуруҳлари
Харакат дастури ижросига алоҳида эътибор қаратмоқда,
шу орқали электорат манфаатлари ишончли ҳимоя қилинмоқда.

ДЕПУТАТЛАРИМИЗ ТАШАББУСИ АСОСИДА

ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛА ТУМАН
КЕНГАШИ СЕССИЯСИДА КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Мамлакатимизда аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш, кўмакка муҳтож кишиларни ҳар жиҳатдан қўллаб-қувватлашга катта эътибор қаратиляпти. Бу борада қатор қонунлар, қарорлар қабул қилинаёпти, давлат дастурлари амалга оширилмоқда. Бу эса ҳар бир фуқаро давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрлик ва яратилган шарт-шароитлардан баҳраманд бўлишига хизмат қилмоқда.

Энг муҳими, шу тариқа одамларимизнинг ҳаётга муносабати ўзгариб, яхши яшашга интилиши кучайиб бораёпти.

Ўзбекистон Халқ демократик партияси ижтимоий ҳимояга муҳтож фуқароларни ўз электорат томонидан қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Партиямиз томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кекса, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг манзиллигини назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

рати, деб билади. Шу боис, партиямиз томонидан кам таъминланган, боқувчисини йўқотган, ёлғиз кекса, жисмоний имконияти чекланган кишилар манфаатларини ҳимоя қилиш, уларга давлат томонидан ажратилаётган маблағларнинг манзиллигини назорат қилиш масаласига алоҳида эътибор бериб келинмоқда.

Яқинда халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзолари бу борада ўзини-ўзи бошқариш органлари томонидан амалга оширилаётган ишларни назорат-таҳлил тартибиди ўрганиб чиқишди.

Депутатларнинг айтишича, туманда ўтган йили кам таъминланган 236 нафар оилага 302 622,0 минг сўм миқдорида моддий ёрдам тайинланган.

Шунингдек, ҳукумат қарорларига асосан тумандаги 2445 нафар 14 ёшгача боласи бор оилаларга 2 225 603,0 минг сўм, 3473 нафар 2 ёшгача болали оналарга 7 329 620,0 минг сўм нафақа тайинланган ва тўланган.

2015 йил давомида тумандаги 65 маҳалла фуқаролар йиғинларида ташкил этилган нафақа таъинлаш комиссияларига 329 нафар фуқаро мурожаат қилган. Шундан 289 нафарига нафақа тайинланиб, 302 621,5 минг сўмлик моддий ёрдам тўлаб берилган.

— Одамларнинг турмуш тарзи, кайфияти, амалга оширилаётган ислохотларга муносабати қандай бўлиши, аввало, улар қай даражада ижтимоий ҳимояланганлиги билан бевосита боғлиқ, — дейди халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи раҳбари Шукр Бозоров. — Ўрганиш давомида маълум бўлдики, туманда кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларни ҳимоя қилиш ишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Хусусан, «Минор» қишлоқ фуқаролар йиғинида бу борада муайян ишлар олиб борилган.

Уруш қатнашчилари, шунингдек, уларга тенглаштирилган шахсларнинг жисмоний шахслардан олинган мол-мулк солиқлари бўйича 651 нафар фуқарога 35 398,5 минг сўм миқдорда имтиёз берилган.

Жисмоний шахслардан олинган ер солиқлари бўйича ҳам Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг тегишли бандларига асосан имтиёзлар берилмоқда.

Партиямиз Жамоатчилик қабулхонасига пенсия ва ижтимоий нафақалар бўйича ҳуқуқий маслаҳат сўраб мурожаат қилувчилар кўпчилигини ташкил этмоқда. Демак, биз ёшларимизга, халқимизга бу борада кенг қўламли ислохотларнинг самараси ҳақида доимий равишда тушунтириш ишларини олиб боришимиз, аҳолининг ижтимоий ҳимояси билан боғлиқ маблағларнинг аниқ ва тўғри тақсимланиши бўйича депутатлик назоратини изчил йўлга қўйишимиз керак, деб ўйлайман.

— Ойлик иш ҳақи, пенсия, стипендия ва ижтимоий нафақалар миқдори ўсиши одамларнинг ҳаётини рози бўлиб

яшашига хизмат қилади, — дейди халқ депутатлари Жарқўрғон туман Кенгашидаги ЎзХДП гуруҳи аъзоси Анвар Ражабов. — Ўрганиш давомида маълум бўлдики, аҳолини манзилли ижтимоий ҳимоя қилишда айрим камчиликлар учраб турибди. Масалан, кам таъминланган оилаларни қўллаб-қувватлаш жараёнида ечимини қутаётган муаммолар, фойдаланилмаётган имкониятлар мавжуд. Аҳолининг

Унда Жарқўрғон туман ҳокимининг иқтисодий ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, Бандликка қўмаклашиш ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш маркази, Молия бўлими, «Маҳалла» хайрия жамоат фонди туман бўлими ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинлари раҳбарларига кам таъминланган оилаларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш бўйича олиб борилаётган ишларни янада

Албатта, маслаҳат, мулоҳаза ва таклифлар асосида иш тутилган жойда ҳар қандай катта-кичик муаммо ҳал этилади, ҳудудда ўзгариш, тараққиёт бўлади.

турмуш даражасини босқичма-босқич ошириб бориш давлатимиз сиёсатининг энг устувор йўналишидир. Демак, ижтимоий ҳимоя билан боғлиқ ишларга бефарқ қарашга ҳеч биримизнинг ҳаққимиз йўқ.

Яна бир масала. Ўрганиш пайтида айрим ҳудудларда кам таъминланган оила аъзоларига қонун талаблари даражасида тиббий хизмат кўрсатилмаётгани маълум бўлди.

Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида тўпланган ижобий иш тажрибасини янада оммалаштириш керак, деб ўйлайман.

Сессияда мутасадди ташкилотлар вакиллари хато ва камчиликлар бўйича ўз саволларимизни бердик. Масала ҳар томонлама чуқур таҳлил қилинди, пухта таклифлар айтилди. Шулар асосида сессия қарори қабул қилинди.

яхшилаш, тегишли чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқиш ва уни амалга ошириш вазифаси юклатилди.

Кези келганда, ижтимоий масалаларни ўрганиш, юзага келган айрим камчиликларни кенгашиб ҳал қилиш, ҳудудлардаги ислохотлар масъулиятини ўз зиммасига олиш бўйича депутатлар, маҳаллий ҳокимликлар фаолияти ошаётганини, улар ўртасида ҳамжиҳатлик кучаяётганини алоҳида таъкидлашни истардик. Албатта, маслаҳат, мулоҳаза ва таклифлар асосида иш тутилган жойда ҳар қандай катта-кичик муаммо ҳал этилади, ҳудудда ўзгариш, тараққиёт бўлади. Халқимиз ишонч билдирган демократик ислохотлар ҳаётий самаралар беради.

Лазиза ШЕРОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

■ КОНФЕРЕНЦИЯ

Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Саноат, қурилиш ва савдо масалалари қўмитаси пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида «Ўзбекистонда электротехника саноатининг ривожланиши: ҳолати ва истиқболлари» мавзусида конференция ўтказди.

Электротехника саноатини ривожлантириш масалалари муҳокама этилди

Қонунчилик палатаси депутатлари, вазирликлар, идоралар вакиллари, «Ўзэлтехсаноат» акциядорлик компанияси таркибига кирувчи корхоналар раҳбарлари иштирок этган тадбирда мустақиллик йилларида электротехника саноатининг вужудга келиши ва шаклланиш босқичлари, тармоқнинг бугунги кундаги ҳолати ва истиқболлари билан боғлиқ масалалар атрофича муҳокама этилди.

— Электротехника саноати юртимизда жадал ривожланаётган тармоқлардан бири ҳисобланади, — дейди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Акмал Умаралиев. — 2005 йилда тармоқда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 80 миллиард сўмни ташкил этган бўлса, 2015 йилда бу кўрсаткич 1 триллион 300 миллиард сўмга етди.

Мамлакатимизда саноат тармоқларини диверсификациялашга қаратилган изчил ислохотлар натижасида замонавий маиший техника, жумладан, телевизор, кир ювиш машинаси, электр печ ва плита, кондиционер, совутич, газ ва электр плиталарнинг янги моделларини ишлаб чиқарувчи ўнлаб корхоналар ташкил этилди.

Ҳаммамизга маълумки, маиший техника маҳсулотларининг сифати ва ишлаб чиқариш ҳажми ортиси аҳоли турмуш шароитларини яхшилаётти, уй бекаларининг оғирини енгил қилляпти.

— «Ўзэлтехсаноат» компанияси ҳозирги кунда 40 дан ортиқ электротехника корхоналарини ўз таркибига бирилаштирган, — дейди компания раҳбари ўринбосари Жаҳонгир Исмоилов. — 10 корхона 2 мингдан зиёд турдаги кабел-сим маҳсулотлари, 6 корхона 100 дан ортиқ трансформатор ва электротехника, 21 корхона 30 хилга яқин маиший техника маҳсулотлари ишлаб чиқармоқда.

2015 йилда ва жорий йилнинг биринчи ярмида тармоқ корхоналари томонидан қиймати 1,5 триллион сўмдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилиб, иқтисодийнинг турли тармоқларига, жумладан, энергетика, нефть ва газ, тоғ-кон саноатларига, ижтимоий соҳа объектларига етказиб берилди.

27 корхона томонидан ишлаб чиқарилаётган рақобатбардош маҳсулотлар Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ва бошқа хорижий мамлакатларга экспорт қилинмоқда.

Ўтган йили «Оникс Ташкент» масъулияти чекланган жамиятида ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш ва технологик янгилаш, Зомин туманида «Самсунг» бренди остида компьютер мониторларини ишлаб чиқариш, «Мотор заводи» акциядорлик жамиятида маиший техникалар учун логистика маркази ташкил қилиш лойиҳалари амалга оширилди.

2016-2019 йиллар давомида ҳудудларни иқтисодий ривожлантириш ва қишлоққа саноатни олиб киришни жадаллаштиришга қаратилган 100 га яқин инвестициявий лойиҳа амалга оширилиши режалаштирилмоқда. Натижада 5 мингга яқин янги иш ўрни яратилиши кўзда тутилган.

Конференциядаги муҳокамалар давомида тармоқда таркибий ўзгаришларни янада чуқурлаштириш, саноат ишлаб чиқаришнинг модернизациялаш ва диверсификациялаш, ички ва ташқи бозорда рақобатбардош, замонавий электротехника маҳсулотларини ишлаб чиқаришни кўпайтириш саъй-ҳаракатларини изчил давом эттириш лозимлиги таъкидланди.

Депутатлар томонидан соҳанинг қонунчилик асослари ва кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, замонавий корпоратив бошқарув усуллари жорий этишни жадаллаштиришга доир таклиф-мулоҳазалар билдирилди.

Гулрух ОДАШБОВА,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«Биз Ўзбекистон Халқ демократик партиясини танладик»

Интернетда маълумот излаб ўтирганимда бир сўровга кўзим тушди. «Сиз қайси партия аъзосисиз?». Ушбу савол кўпчилик сингари мени ҳам қизиқтириб қўйди.

Сўровномани кузатдим ва таҳлил қилдим. Бир қатор ёшлар ЎзХДПни танлаган экан. Нима учун айнан шу партияни танлаганликлари мени қизиқтирди. Ёшлар билан боғланиб, уларнинг бу ҳақдаги фикрини сўрадим.

Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети қошидаги академик лицей етакчиси Дилшодбек Иzzатуллаев:

— Мамлакатимизда бўлаётган ўзгариш ва янгиланишлар, ижтимоий-сиёсий жараёнларни мунтазам кузатиб бораман. Демократик ислохотларни чуқурлаштириш, сиёсий партиялар фаолиятини кучайтиришга алоҳида эътибор қаратилаётгани диққатимни тортди келади.

Албатта, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига тўсик бўладиган бир масалани ечиш учун турли ёндашувларнинг илгари сурилиши, ҳар хил фикрларнинг билдирилиши

демократиянинг муҳим белгиларидан биридир. Бу жуда қизиқ жараён. Қандайдир воқеага нисбатан турли позицияларнинг илгари сурилиши, энг муҳими, бунда соғлом баҳс-мунозара бўлиши масала ечимида энг тўғри йўлни танлаб олишга хизмат қилади.

Мен ҳам келгусида ана шу жараёнларда фаол иштирок этмоқчиман. Узоқ вақт кузатувлардан сўнг, фикрларим гоёларига мослиги сабабли Ўзбекистон Халқ демократик партиясига аъзо бўлдим.

Вазира Ахунова, «Камолот» ЁИХ Шайхонтоҳур туман бўлими мутахассиси:

— Ёшлар билан ишлайман. Улар билан ҳамфикр, ҳамнафас бўлиш орқали кўп нарсани ўргандим. Шунга амин бўлдимки, яхши ташаббуслар рўёбга чиқиши учун кўпчилик бирлашиб ҳаракат қилиши

керак экан.

Юртимизда фаолият юритаётган сиёсий партияларнинг дастурлари билан бирма-бир танишдим. ЎзХДП дастурида ижтимоий муҳофазага муҳтож кишилар ман-

Шунга амин бўлдимки, яхши ташаббуслар рўёбга чиқиши учун кўпчилик бирлашиб ҳаракат қилиш керак экан.

фаатларини таъминлаш, ёшларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, уларни ишга жойлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилгани менга маъқул бўлди. Шунинг учун айнан Халқ демократик партияси сафида бўлишни истардим.



Фарух АЛИЕВ олган сурат.

Партия тизимида ўтказиб келинаётган «Ёш сиёсатчи» кўрик-танловининг туман ва шаҳар босқичларини кузатишда. Бу партия ҳақидаги таассуротларимни янада босалаларига алоҳида эътибор қаратилгани менга маъқул бўлди. Шунинг учун айнан Халқ демократик партияси сафида бўлишни истардим.


Буллар ҳам менга маъқул келди. Шундан сўнг партиянинг Шайхонтоҳур туман кенгашига бориб, аъзо бўлиш ниятида эканлимин айтдим. Зиммамдаги масъулиятни хис этиб турибман. Мен энди сиёсий партия аъзосиман, билим ва тажабамни аямай меҳнат қилишга ҳамда ўз таклифларимни илгари

суришга ҳаракат қиламан. Ёшлар билан суҳбатимиз давомида сафимизда ана шундай фидойи, интилувчан йигит-қизлар борлигидан, очиги, қувондик. Бундай фаол ёшлар ЎзХДПнинг ҳақиқий таянчи ва суянчидир.

Зайнура ТОШМУРОВА

КЕЧА КИМ ЭДИГУ БУГУН КИМ БЎЛДИК? (9-мақола)

■ Халқимизнинг йигирма беш йиллик тинимсиз, мардонавор меҳнати, бунёдкорлик шижоати бизни бугунгидек саодатли кунларга етказди.



У.А. Сурайт

ИСТИҚЛОЛ — ЎЗ КЕЛАЖАГИНИ ЎЗИ ҚУРИШ ҲУҚУҚИ ДЕМАҚДИР

Биз учун мустақиллик — ўз эркинлигимизни англашгина эмас, балки, аввало, ўз ҳаётимизни ўз иродамиз билан ва миллий манфаатларимизни кўзлаган ҳолда ташкил этиш, ўз келажагимизни ўз қўлимиз билан қуриш ҳуқуқидир.

Ислом КАРИМОВ

Донишмандлардан бири: «Узоқ йиллар қафасда боқилган арслон озодликка чиқарилгач, кўрқувдан эмас, очликдан ҳалок бўлади. Чунки у ризкинни ўз кучи билан топишга эмас, қўлдан берилганини ейишга ўрганган», деган экан.

Яширининг ҳолати йўқ, бир ярим асрлик истибод даврида халқимиз қафасдаги арслон мисоли кун кечиргани, айниқса, Шўролар даврида бутунлай давлатнинг қўлига қарам бўлгани бор гап. Шунинг учун ҳам бошимизга бахт куши қўниб, Истиқлолга эришган дастлабки кунларимизда ақсарият аҳолининг эсанкираб, довдираб қолганлиги ҳам ҳақиқат.

1991 йилнинг тарихий 31 август кунинда — Олий Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида муҳтарам Президентимиз юксак минбардан туриб, Ўзбекистон Республикасининг миллий мустақиллигини эълон қилганида, ўзини элнинг отаси, огаси, раҳнамоси санаб юрган, савлатидан от хуркадиган, қабулига оддий фуқаро кираолмайдиган не-не зотларнинг дами ичига тушиб кетди. Қоронғуликка ўрганган кўзлар Озодлик нурларидан қамашди, биқик тузумнинг бўйғи ҳавосига ўрганган юраклар Хурриятнинг тоза ҳаволаридан ёрлар даражага келди. Қуллика ўрганган, кўнликкан шуурлар Эркинликнинг эрка фикрларини қамрашга ожизлик қилиб қолди.

Ана шундай кутлуг лаҳзаларда бокимандалик исканжасида яшаган ақларда, фақат, битта савол туғилди: Мустақиллик менга нима беради?

Орадан йиллар ўтди. Халқимизнинг фикри, тушунчаси, турмуш тарзи, ҳаётга, дунёга муносабати ўзгарди. Дастлабки ўн йилликларда ўша савол сал ўзгариб, «Мустақилликка мен нима бердим?» шаклида кўпчилики қийнади. Аммо илҳомли билан олиб борилган кенг қўламли иш-хотлар тўғрисида ўшанга аҳолий-иктисодий соҳаларда, ҳар бир фуқаронинг турмушида юз берган оламшумул ўзгаришлар тўғрисида бу саволлар тарихга кечинди, ўрнига «Ким эдил-у ким бўлди?» деган савол эгилди.

Бугун энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида ушбу саволга берадиган жавобимиз аниқ ва равшан.

Энг аввало, Истиқлол шарофати билан Ўзбекистон ўзининг мустақил мамлакат, мустақил давлат сифатидаги барча ҳуқуқларини қайтариб олди, ўз моддий ва маънавий бойликлари, ўз манфаатларининг, ўз фарзандларининг қудратли ҲИМОЯЧИСИГА айланди.

Истиқлол халқимизга Ўзбекистон аталган Ватанини, унинг ерости ва ер усти бойликлари,

топталган тарихимизни, оёғости қилинган қадриятларимизни қайтариб берди.

Энг муҳими, халқимиз ИНСОНЛИК шаънини, ғурурини, иззат-обрўсини, қадр-қимматини топди. Ўзи истагандек яшаш, кундалик ҳаётини, тирикчилик тарзини, оиласи ва фарзандларининг истиқболини эмин-эркин режалаштириш, орзу-ниятларини амалга ошириш, меҳнатининг мева-сидан баҳраманд бўлишдек ноёб имкониятга эга бўлди. Ҳар бир фуқаро учун ўзининг истеъдоди ва салоҳиятини намоён этиш учун зарур бўлган, қўлай иқлим бўжудга келди.

Бир қарашда, бу гаплар умумий тарзда, баландпарвоз оҳангда янграётгандек туюлади. Аслида-чи?

«Қулда, фақат, меҳнат қилиш бурчи, озод инсонда эса яратиш ҳуқуқи бор» деган донолардан бири.

Дарҳақиқат, кўрқувсиз, ҳадиқсиз ўз тақдирини ҳақида ўйлаш, бир қарорга келиш ва уни ихтиёрий тарзда амалга ошириш инсоний эркинликнинг битта қирраси, ҳайратомуз мўъжизаларнинг манбаидир...

Гапни оддийроқ мисолдан бошлай қўлайлик. 1990-1991 йилларда эски тузумдан мерос қолган савдо дўконларига кирган кишининг юраги орқасига тортиб кетарди. Сабаби, озиқ-овқат сотиладиган масканларнинг пештахталарида тузу қалам-пер, муддатга ўтган баллиқ консерваси ёрлигининг ранги ўчган вино шишалари, кийим-кечак магазинларида алмисокдан қолган, асли сифати паст, охорини йўқотган либослару пойабзал, ҳужалик моллари дўконларида эса пластмассадан ясалган, биров текинга ҳам олмайдиган сифатсиз идиш-товоқларгина мунгайиб турарди. Қайсидир замонларда ҳам гиштдан, пахсадан қурилган, сўнг қайта таъмирланмаган товуқнинг катагидан каттароқ дўконларнинг ичкию ташқи аҳолий шундай аянчли эдики, кўрган одамнинг хўрлиги келарди. Ёзда ҳавоси нафасни бўғадиган, қуза, баҳор ва кишда йўлакларни лойга ботиб, музлаб ётадиган, томи синиб шиферлар билан нари-бери ёпилган омонатгина бозорларга кириб-чиқиш осон эмасди.

Бугун эса қайси шаҳар ва шаҳарчаи ораласангиз, қадам сайин ораста ва шинам бозорларга дуч келасиз. Халқимизнинг таърифи билан айтганда, уларда «йўқ нарсанинг ўзи йўқ». Мева-ларнинг, сабзавоту қўкатларнинг, ноз-неъматларнинг ҳар хилию сархили кўзга қамаштиради.

Дунёнинг турфа бойликлари, кўз-кўз қилган, ҳар бири ўзининг бетакорор қиёфасига эга бўлган, пишик гиштардан қурилган, мрамару қошиқлар ила

безалган савдо дўконларининг ҳисобига ҳам етиб бўлмайди. Супермаркет, гипермаркет аталмиш, ҳар бири бағрида дунёнинг беҳисоб бойлигу мўъжизаларини кўз-кўз қилган кўп қаватли даргоҳларни оралаган кишининг, нодиру ноёб нарсаларнинг бу қадар кўплиги ва ранго-ранглигидан ақли шошади.

Хўш, бу мўъжизалар қандай рўй берди? Қувончлиси шундаки, бозорларимизнинг катта қисмини ерга меҳрини берган, кўз нуруни, қалб кўрини бахш этган соҳибкорларимиз, деҳқонларимизнинг пешона терини, қадқоқ қўли билан етиштирилган ширин-шакар ноз-неъматлар эгаллаган.

Юртбошимизнинг марҳамати билан йигирма етти йил муқаддам ўзининг шахсий томоқрасига эга бўлган, ислохотларнинг шарофати билан деҳқон ва фермер ҳўжаликлари ташкил этиб, ўзининг ерида, тер тўкаётган минглаб юртдошларимиз ўзларининг моддий манфаатларини элнинг манфаатлари билан чамбарчас бўлган ҳолда чинакам мўъжиза яратишга эришди. Саховатли заминимиз бағридан санаб сановига етиб бўлмайдиган лавиз неъматларни ундиришяпти. Шунинг учун ҳам тўрт фаслда ўзбек бозоридан, ўзбекистон дас-турхонидан тўкин-сочин ёзининг таровати аримайди. Қирчиллама кишининг чилласида янги ўзилган помидор-бодиринг, қўкатлардан тортиб, қовун-тарвузгача, шарба-ти тонги шундирингд юлтирган узуму ноккача, олмаю аноргача ҳаммаси муҳайё.

Кийим-кечак, уй рўзғор анжоларию, кундалик турмушда ишлатиладиган турли-туман ашёларни юртимизнинг барча бозорларида харид қилиш мумкин. Хоҳласангиз хорижийникини олинг, хоҳласангиз ўзимизнинг хунармандларнинг қўли билан ясалганини.

Кечагина ота-бобосидан қолган ҳўнар билан шуғулланган учун қувгинди қилинган турли касб усталари замонанинг шарофати билан бугунги кунда ўз кичик ва ўрта корхоналарининг, фирмаларининг эгаларига айланган. Занглаган истеъдодлари қайтадан чархланиб, жаҳон бозорларида тиллога тенг халқ амалии санъати буюмларини яратаятир. Ўзимизнинг сийгарларимиз берган суддан тайёрланди, чиройли қадоқланган маҳсулотларнинг сирти томоша, ичи роҳату фароғат. Сифатда ўзгаларникидан ўтса ўтадики, аммо қолишмайди.

Мустақилликнинг марҳамати билан «чайқовчи» деган хўнук номдан, қонун ҳўмончаларининг таъйику таъқибдан қўтулган, ишбилармонга айланган, минг-минг йиллар давомида юрт фаровонлигини таъминлаб, Буюк Ипак йўли оша дунё кезган боболарининг удумини тиклаб, дунёнинг турфа мамлакатларини кезиб, сара маҳсулотларни келтиряётганлар ҳам, сотаётганлар ҳам ўзимизнинг юртдошларимиз — янги турмуш боғларида унган замонавий урдабурон тижоратчилар. Ўз корхоналари маҳсулотларини хорижга чиқариб, жаҳон бозорига Ўзбекистон номини

кўз-кўз қилаётган валломатлар ҳам ана шу ишбилармонлар. Боя тилга олганимиз муҳташам супермаркетлару ҳашамдор дўконлар, булбулнинг тилию асаларининг сугиғача муҳайё олий тоифали таомхоналар, туну кун хизматга шай миллий чойхоналар, кичик бозорчани эслатувчи, қўлай ва шинам савдо дўконларию йўловчиларни бағрига олган шинам бекалар айнан тадбиркорларнинг пули билан бунёд этилмоқда.

Истеъдодли тадбиркорнинг бир қисми ўзининг хўсусий заводию фабрикасини қураётган бўлса, янада урдабурон ва ақлироғи банк очмоқда. Катта-катта корхона ва ташкилотларининг акциясини сотиб олиб, шерикчиликка бойинганлари қанча. Фуқароларнинг чўнтаги бақувват бўлган сари, давлатнинг ҳам қудрати юксалмоқда.

Кези келганда шунга айтиш керакки, диёримиздаги ҳар бир байрам умумхалқ шодийнаси бўлиш билан биргаликда, меҳроқибат ва саховат тантанаси ҳамдир. Хайрия тадбири ўтказилмаган қишлоқ ҳам, маҳалла ҳам қолмайди. Ночор оилалар, ёлғиз кексалар, бемор ва ногиронларнинг ҳолидан бутун эл хабар олади, ўқисқ кўнглини кўтарди.

Бу ҳам МУСТАҚИЛЛИК тўғрисида қайтадан тикланган миллий фазилатимизнинг бир қиррасидир.

Замоннинг эврилишини қарангки, биз бугун муҳташам иморатларнинг, бўйи бир неча километрлик шўхона кўприкларнинг, юзлаб қақиримга қўзилган темир йўлларнинг, каналларнинг, Қамчиқ доводиди автобонилар ва электропоездлар қатнай-диган узунлиги йигирма қақиримга яқин, маҳобатли ва замонавий туннелларнинг бир йил-икки йил ичида бунёд этилишидан ҳайратланмай қўйдиқ. Ҳаммаси оддий, ҳаммаси табиий туюлади.

Энг қизиғи шундаки, бундай ғаройиб ишларни рўёбга чиқараётган муҳандису меъмор, қурувчию йўлсозлар ҳам қаҳрамонлик даъвосини қилиб, кўкрағи урмайди. Миллий ғурур, ички бир иштиёк ва қувонч билан ўз бурчларини бажариш билан банд.

Шунинг учун бизнинг назаримизда ҳаммаси ўз-ўзидан қурилиб қолгандек, шундай бўлиши шартдек кўринади. Аслида шундайми? Менинг болалигим Зоминда ўтган. Туман марказини қоқ ёриб сой ўтади. То касонинчи йилларида сув омбори бунёд этилганча баҳор пайтида тоғлардан келган сувлар кучли селга айланиб, сойни бўзғичага тўлдирарди. Шу кезларда энгил автомашиналар у ёқда турсин, юк машиналари ҳам томиғача фарқ бўлиб, сувнинг ўртасида қолиб кетарди. Пиёда-лар эса эни бир ярим метрлик ёғоч кўприкдан юз эллик метр масофани жон ҳовучлаб босиб ўтарди. Дурусткор бир кўприк қуришга кўп йиллар давлатнинг газнасида маблағ топилмади. Маблағ топиладиган кейин ҳам оддийгина кўприкни бино этиш учун тўрт-беш йил вақт кетди.

Бу гап бугун бир эртакдек туюлади. Чунки ўн йил муқаддам пойтахтимиз Тошкентни кўрган киши бугун қадам ранжида қилса, танимайди. Бир йил муқаддам келган киши борар жойини топмасдан адашади. Қисқа муддатда бунёд этилган биноларнинг сонини санаб бериш амримаҳол, замонавий ва миллий меъморчилик аъёналарини ўзида уйғунлаштирган қиёфасини таърифлашга эса сўз топилайди. Салобатли кўприклару шох йўллар, санаот корхоналарию санъат даргоҳлари, спорт иншоотларию, истироҳат боғларини фикири эркин, умиди бутун халқимиз ўз қўли билан, ўз пули билан бунёд этди ва этаётир.

Бугун бир пайтлар ёпиқ чегара шаҳри саналган, ўттизинчи йиллардан кейин бирорта дурусткор бино қурилмаган қўҳна Термизнинг янги қиёфасини кўрган кишининг ҳайратдан лол қотмай иложи йўқ. Самарқанд ва Бухорода, Хива ва Шахрисабзда, Фарғона ва Андижонда, Наманган ва Навоийда, Жиззах ва Гулистонда, Нукус ва Қаршида юз бераётган мўъжизаларни таърифлашга энг бўлбўлғиёе шоирнинг ҳам тили ожизлик қилса керак.

Ана шундай бунёдкорликни ҳар бир шаҳар ва шаҳарчада, туманлар марказларида, қишлоқларда қўриш мумкин. Истиқлол йилларида қад рўстлаган қоллежлар ва лицейлар биноларининг сиртки ҳашаматию ичидида жиҳозларнинг жилоси дунё кезган жаҳонғаштани ҳам лол қолдириши табиий.

Бундан йигирма беш йил муқаддам тасодифан хорижий сайёҳ билан тиллашиб қолган ватандошимиз гирт балога қоларди, идорама-идора юриб тергов берарди. Бугун хорижий ҳамкорларнинг кўмағида қурилган ўнлаб қўшма корхоналарда ўзбек йигит-қизларининг қорейсу хитой, немису француз, италияну яҳудий билан уларнинг тилларида демалол сўзлашиб, мураккаб замонавий технология усулаларини бошқараётгани ҳеч кимни ажаблантирмайди.

Бир пайтлар қишлоқдан шаҳарга келган меҳмонлар, хонадонларда гуриллаб ёнаётган «мовий олов»га ҳавас билан тикиларди. Бугун эса табиий газ етиб бормаган қишлоқ борлигини эшитсак ҳайрон қоламиз.

Ғалла мустақиллигига, нефть мустақиллигига эришиш, деган марралардан ошиб ўтганимизга ҳам кўп йиллар бўлди. Ўзимизни ўзимиз таъминлашдан ташқари, бошқаларга ҳам сотадиған мар-табага етдик.

Халқимизнинг йигирма беш йиллик тинимсиз, мардонавор меҳнати, бунёдкорлик шижоати бизни бугунгидек саодатли кунларга етказди.

Бугун қайси соҳада бўлмасин, ҳар бир юртдошимиз жамиятда ўзининг муносиб ўрнини эгаллашга, ўзини улуғлаш орқали Ватанини улуғлашга, уни юксалтиришга ҳаракат қилаёпти.

Мана шу буюк интилишни, умид ва кўтаринкиликни эса ИСТИҚЛОЛ берди.

Бахтиёр РИЗАЕВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, йирик ҳўжалик субъектлари, шунингдек, жамоат ташкилотларининг ахборот хизматлари ўртасида «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» ижодий танловини эълон қилади.

«Йилнинг энг фаол ахборот хизмати»

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўлаб-қувватлаш жамоат фондининг молиявий кўмағида ўтказилади.

Танлов шартлари:

Танловда иштирок этиш учун ахборот хизмати ёки матбуот марказининг жорий йилдаги фаолияти ва эришган ютуқлари ҳақида маълумот — 2016 йилнинг 1 январидан 10 ноябргача давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, ҳўжалик субъектлари, жамоат ташкилотларининг расмий ахборот сайтларида, шунингдек, мамлакатнинг босма ва интернет нашрларида чоп этилган, таърифланган фаолиятни тасдиқлайдиган манбаларга барча ҳаволаларни тақдим этган ҳолда, вазириятлар, идоралар ёки жамоат ташкилотлари, ахборот хизмати ходимининг фамилияси, исми, шарифи, ОАВда тадбирлар қайд этилган мақолаларнинг асл нусхаси тақдим этилиши керак.

Танлов олимпиада номинация бўйича ўтказилади:

— йилнинг энг фаол ахборот хизмати;
— йилнинг энг фаол ахборот хизмати раҳбари ёки ходими;
— энг яхши давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий сайти;
— йил кашфёти;
— маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этганлиги учун;

— журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати.

Номинациялар бўйича танлов ҳўжатлари рўйхати:

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус қўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимларининг исми ОАВда қайд этилиши, ташкилот нфузунини бошқариш, илмийни ўзгартриш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Йилнинг энг яхши ахборот хизмати раҳбари — жорий йилда ахборот хизмати ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус қўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати раҳбарининг фамилияси, исми, шарифининг ОАВда қайд этилиши, ташкилот нфузунини бошқариш, илмийни ўзгартриш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Энг яхши расмий сайт — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари расмий сайтининг фаолиятини, расмий веб-сайт ва бошқа ОАВда, жумладан, электрон нашрларда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, веб-сайтта қўндалик таширф буюрувчилар сони, чоп этилаётган ахборотнинг қўндалик даражаси ва контент сифати, шунингдек, расмий веб-сайтта тил версияларининг ишлашини эркин усулда таърифлаш.

Йил кашфёти — жорий йилда йирик жамоат ташкилотлари, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ахборот хизмати ходимлари ёки ахборот хизматининг фаолияти ва ютуқларини эркин шаклда таърифлаш (булар ташаббус қўрсатилган мақолалар сони, ахборот хизмати ходимлари фамилияси, исми, шарифи матбуотда қайд этилиши, ташкилот нфузунини бошқариш, илмийни ўзгартриш бўйича ҳаракатлари бўлиши мумкин, таърифланган фаолият ва мақолаларнинг намуналарини тасдиқлайдиган барча манбаларга ҳаволалар тақдим этилиши керак).

Маълумотларни ижтимоий тармоқларда энг яхши тақдим этиш — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органи расмий саҳифасининг ижтимоий тармоқлардаги фаолияти, рўйхатдан ўтганларнинг сони, фойдаланувчиларнинг умумий қамрови, расмий саҳифа ва интернет-ОАВда чоп этилган ахборотга ҳаволалар сони, расмий саҳифада тақдим этилган хаварлар сони, расмий саҳифада тақдим этилган хаварлар репостлар сони, ахборотни ижтимоий тармоқларда жойлаштириш тезлиги, ижтимоий тармоқларда фойдаланувчилар билан мулоқот самардорлигини эркин шаклда таърифлаш.

Журналист наздидаги энг фаол ахборот хизмати — давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари ахборот хизматининг оммавий ахборот воситалари вакиллари билан ўзаро ҳамкорлиги механизми, масс-медиа вакиллари учун ўтказиладиган тадбирлар сони ва уларнинг иштироки этиш даражаси, шакланган журналистлар пулининг маъжудлиги, журналистлар учун махсус мавзуга доир танловларнинг ўтказилиши, тадбирлар доирасида тақдим этиладиган тарқатма материалнинг сифати, онлайн режнимда тақдим қилиниши ҳақидаги дайджестларнинг доимий равишда юритилишини эркин шаклда таърифлаш.

Танловда иштирок этиш учун ариза юридик шахс раҳбари — танлов иштирокчиси томонидан имзоланган ва қўшма маълумот, иш жойи, касбий фаолияти ҳақида махсус маълумот, телфон рақами, манзили ва муаллиф паспортининг нусхаси илова қилинган ҳолда тўлдирилган бланкини тақдим этилиши керак.

Танловга топширилган материаллар Ўзбек, рус ёки қорақалпоқ тилида таъйиранган бўлиши ва босма, интернет нашр ёки веб-сайт қўрсатилган ҳолда босма ҳамда электрон шаклда тақдим этилиши керак.

Фоторепортажлар асл нусха ҳолатида тақдим этилади.

Танлов голибларига совринлар:

Голиблар ҳар бир номинация бўйича махсус диплом ва қимматбаҳо совға билан тақдирланади.

Материаллар 2016 йилнинг 10 ноябргача «Йилнинг энг фаол ахборот хизмати» танловига қайди билан Тошкент шаҳар — 100129, Навоий қўчаси, 30-уй, 2-қават, 45-хона манзили бўйича Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликлари қўлаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида юборилиши керак.

Батафсил маълумотни 244-12-51, 244-14-28 телефонлари орқали олиш мумкин.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ГАЗЕТАСИ ФОТО КЎРГАЗМАСИ

Ўзбекистон мустақиллик ва мустабидлик йилларида

Урганч шаҳрида қурилган мух-
ташам театр биноси, замонавий
спорт иншоотлари, кўп қаватли уй-
жойлар, янги, кенг ва равон кўча-
лар кўрган кишини ҳайратга сола-
ди. Ёшлик кўчасида қуриладиган
«Спорт мажмуаси» ҳам ушбу
мўъжизалардан биридир.

Тинчлик кўчасида барпо этил-
ган Амир Темури бобога эса «Ёшлар
ижодиёти маркази» биноси қури-
лаётди. «Урганч» халқаро аэропор-
ти биноси мукамал таъмирлан-
ди, Тошкент ахборот техноло-
гиялари университети Урганч

филиалининг янги биноси ва 160
ўринли талабалар турар-жойи,
«Бахт уйи» фойдаланишга топши-
рилди.

Вилоят кейинги йилларда чин
маънода индустриал ҳудудга айлан-
ди. Сўнгги уч йил давомида 308,5
миллион АҚШ доллари миқдорида
инвестиция сармоялари жалб эти-
либ, 432 саноат корхонаси ишга
туширилди. 2015 йилда саноат маҳ-
сулотлари ишлаб чиқариш ҳажми
2,4 триллион сўмга етиб, 2012 йил-
га нисбатан 2,1 марта ошди.

«Урганч экскаватор» акция-
дорлик жамияти қошидаги
«VZXCMB» Ўзбекистон — Хитой

қўшма корхонаси гидравлик экс-
каваторлар ва бошқа турдаги
қурилиш ускуналари ишлаб чи-
қармоқда. «Хоразм автомобиль
ишлаб чиқариш бирлашмаси»
масъулияти чекланган жамияти
базасида «Дамас» ва «Орландо»
енгил автомобиллари ишлаб чи-
қариш ўзлаштирилганлигини ало-
ҳида таъкидлаш лозим.

2015 йилда вилоятда 60,6 минг-
та янги иш ўрни ташкил этилиб,
шундан 87,0 фоизи қишлоқ жой-
ларига тўғри келади.

Ҳозирги пайтда қадимий ва
навқирон Хоразмнинг ҳар бир туман-
ларида, ҳар бир қишлоқда яратувчилик

ишлари авжида. Қишлоқ жойлар-
да намунали лойиҳалар асосида
якка тартибдаги уй-жойлар қуриш
дастури кенг кўламда олиб борил-
моқда. Бугунгача юзлаб оилалар
ҳовли тўйини нишонлаб, ҳар то-
монлама қулай уй-жойларда ҳаёт
завқини суришмоқда.

Вилоятда юз бераётган ижобий
ўзгаришларни кичик бир мақола-
да қамраб олишнинг иложи йўқ,
Хусусан, ўтмишдаги аҳвол билан
таққослаш қийин.

Шунинг учун навбатни фотосур-
атларга берамиз. Қиёслаш ва
фикрлаш навбати эса сизга, азиз
газетхон.

БАРКАМОЛ АВЛОД



Ў.А. сурати.

Ўқувчиларнинг бўш вақти

мазмунли ўтмоқда

Халқ таълими вазир-
лиги томонидан Ўрта
Чирчиқ туманида ўқувчи-
лар ёзги дам олиш мав-
сумини қандай ўтказай-
гани билан таништириш
мақсадида журналист-
лар учун медиа-тур таш-
кил этилди.

Тумanning бир неча
умумтаълим мактабларида
бўлди. 72-умумтаълим
мактабида бир қатор тўра-
қалар ташкил этилган
бўлиб, ўқувчилар инглиз
тили, мусиқа, ёш мусаввир,
ёш китобхон, ёш дастурчи
сингари тўғрақларда шу-
ғулланишди. Соғломлаш-
тириш майдончаларида тур-
ли маданий-маърифий тад-
бирлар, спорт мусобақалари,

интеллектуал викториналар
ташкил этилмоқда.

— Ёзги таътил даврида
тиқиш-бичиш, инглиз тили,
пазандалик тўғрақларига
қатнашяпман, — дейди
мактаб ўқувчиси Ёзоза
Ўткирова. — Кўплаб дўст-
лар орттирдим, бадий кит-
тоблар ўқияпман.

Болалар-ўсмирлар
спорт мактабида фаолият
кўрсатаётган 13 спорт тўра-
қасида 800 нафарга яқин
ўқувчи бокс, ўзбек жанг
санъати, юнрон-рум, турон
якка кураши, гимнастика,
шахмат-шашка, оғир атле-
тика каби спорт йўналиш-
лари бўйича мунтазам шу-
ғулланмоқда.

— 2014 йил Наманганда,

2015 йил эса Қорақалпо-
ғистон Республикасида
муай-тай бўйича ўтказилган
Ўзбекистон чемпионатида
ўз вазним бўйича биринчи
ўринни эгалладим, — дей-
ди шу мактабнинг 8-синф
ўқувчиси Асрор Рўзалиев.
— Ҳозир август ойида бўлиб
ўтадиган жаҳон чемпионати-
га тайёргарликни давом
эттиряпман.

Журналистлар медиа-
тур доирасида тумандаги
болалар мусиқа ва санъат
мактаби, «Баркамол авлод»
ёшлар марказида ҳам
бўлиб, болаларга яратилган
шароитлар билан танишди-
лар.

Охунжон ХУШВАҚТОВ

КЎРИК-ТАНЛОВ

Ягонасан, муқаддас Ватан!

Ички ишлар вазирлиги томонидан
ўтказиб келинаётган «Ягонасан, муқад-
дас Ватан!» кўрик-танловининг респу-
блика босқичи бўлиб ўтди.

Унда барча соҳалар қатори Ички иш-
лар вазирлиги ва унинг жойлардаги ту-
зилмалари ходимлари ҳам фаол иштирок
эти. ИИБ Маданият саройида ўтган тад-
бирда қатнашчилар томонидан ижро

қилинган кўшиқларда Ватан, тинчлик-осо-
йишталлик, бугунги фаровон қунаримиз та-
раннум этилди. Чикишларни таниқли санъ-
ат ва адабиёт намоёндаларидан иборат
нуфузли ҳайъат аъзолари баҳолашди.

Ҳолилар Ички ишлар вазирлигининг
диплом ҳамда эсдалик совғалари билан
тақдирланди.

Равшан ШОДИЕВ

Зарафшонда акрил иплари ишлаб чиқарилмоқда

Зарафшон шаҳрида ак-
рил ипи ишлаб чиқариш
корхона ишга тушди.

— Ушбу иплар асосан
тўқима жемпер, пайпок,
шарф, нимчалар тайёрлаш-
да ишлатилади, — дейди
қўшма корхона директори
Баҳодир Туляганов. — Унинг

хомашёси хориждан келти-
рилмоқда. Ишлаб чиқариш
ҳажми йилига 500 тоннани
ташкил этади.

— Бундай корхоналарнинг
пайдо бўлиши электротизмиз
вакилларини ижтимоий
қўллаб-қувватлашда қўл
келмоқда, — дейди ЎзХДП

Зарафшон шаҳар кенгаши
раиси Шавкат Усмонов. —
Мазкур корхонанинг очилиши
натijasида 80 киши иш би-
лан таъминланди. Уларнинг
асосий қисми касб-хунар кол-
лежлари битирувчиларидир.
Илҳом САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» муҳбири.

ФУТБОЛ

Муҳим босқичга тайёргарлик

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жа-
моаси 2018 йили Россияда ўтадиган жаҳон чемпи-
онатининг учинчи саралаш босқичида қатнашади.
Мазкур босқичга тайёргарлик кўраётган фут-
болчиларимиз «Бунёдкор» стадионида Ирок терма
жамоаси билан ўртоқлик учрашувини ўтказди.

Терма жамоамиз маҳаллий клубларимизда тўп
сураётган футболчилардан иборат таркиб билан
Марат Бикмаев ҳисобини очган бўлса, ўттизинчи
дақиқада Элмурод Шомуродов рақиб дарвозасига
иккинчи тўпни киритди. Баҳснинг 90-дақиқасида
ироклик Абуабкар Баяр ҳисобини қисқартирди — 2:1.

Ўзбекистон миллий терма жамоаси «А» гуруҳида
Эрон, Жанубий Корея, Хитой, Қатар ва Сурия терма
жамоалари билан баҳс олиб боради. Футболчилар-
имиз дастлабки учрашувини 1 сентябрь куни Тош-
кентда Сурия терма жамоасига қарши ўтказди.

Ж.ТОШХУҲАЕВ,
Ў.А. муҳбири.

БУГУН

Об-ҳаво
маълумоти

Қорақалпоғистон Республикаси ва
Хоразм вилояти +42/+27

Бухоро ва Навоий
вилоятлари +44/+29

Тошкент, Самарқанд, Жиззах,
Сирдарё вилоятлари +42/+25

Қашқадарё, Сурхондарё
вилоятлари +44/+29

Андижон, Наманган, Фарғона
вилоятлари +41/+25

Тошкент шаҳри +42/+24



Урганч шаҳрининг марказий майдони бугун ва яқин ўтмишда.



Урганч халқаро аэропортининг бугунги ва мустақилликнинг дастлабки йилларидаги кўриниши.



Ал-Хоразмий кўчасида жойлашган Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиали биноси ва унинг кечаги ўрни.



Шовот каналнинг бугунги кўрки ва эски аҳволи.



Урганч темир йўл вокзали: бугун ва кеча.



МУАССИС:



O'ZBEKISTON
XALQ DEMOKRATIK
PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

Bosh muharrir: **Safar OSTONOV**

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Hotamjon KETMONOV
Ulug'bek VAFOYEV
Rustam KAMILOV

Saidkamol
XODJAYEV
Muslihidin
MUHIDDINOV
Ochilboy RAMATOV

Saidahmad RAHIMOV
Farrux HAMROYEV
(Bosh muharrir birinchi o'rinbosari)
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)

Qabulxona — 233-65-45

Xatlar va murojaatlar uchun — 233-12-56

E-mail: info@uzbekistonovozi.uz

MANZILIMIZ:
100000, Toshkent,
Matbuotchilar
ko'chasi, 32-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot
agentligida 0006-raqam bilan
2007-yil 11-yanvarda ro'yxatga olingan.

*Sharq nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaga manzili: Buyuk Turok ko'chasi, 41-uy.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi — 2 bosma taboq.

Gazeta seshanba, payshanba va
shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini
ko'chirib bosish faqat tahririyat
ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 759
9052
nuxxada
bosildi.

Nashr ko'rsatkichi — 220
t — Tijorat materiallari
O'ZA yakuni — 20:35
Topshirilgan vaqti — 00:20

Sotuvda kelishilgan narxda

Navbatchi:

Alisher RO'ZIYEV

Sahifalovchi-dasturchilar:
Zafar BAKIROV
Behzod ABDUNAZAROV



1 2 3 4 5